

"ТАСДИҚЛАНГАН"

"РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН"

"ANOR BANK"
акциядорлик жамияти

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги

Кузатув Кенгашининг
2022 йил 13 октябрдаги
қарори билан

Вазир ўринбосари

Кузатув Кенгаши раиси

О.Р. Исаков



Ш.Н. Носиров



2022 йил "19" октябр 0916-5 -сон

М.ў.

"ANOR BANK" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ҚЎШИМЧА АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ
ҚАРОРИ

Идентификация рақами берилди:

R U 1 0 5 P 0 9 1 6 R 2

Эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги ҳар бирининг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм бўлган 70 000 000 (етмиш миллион) дона акциялар.

Акцияларнинг чиқарилаётган умумий сўммаси 70 000 000 000 (етмиш миллиард) сўм.

Акциялар ёпиқ обуна йўли билан жойлаштирилади.

Акцияларнинг ўшбу чиқарилиши бешинчи чиқарилишдир.

"ANOR BANK" АЖ Кузатув Кенгашининг 2022 йил 13 октябрдаги 45 - сонли қарори билан
акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилинган
(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилган органи қурсатилади)

"ANOR BANK" АЖ Кузатув Кенгашининг 2022 йил 13 октябрдаги 45 - сонли қарори билан
акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор тасдиқланган
(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаган органи қурсатилади)

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили: 100170, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Сайрам кўчаси 5-тор кўчаси 4 уй. Телефон: (+99855)503-00-00, электрон почта манзили: info@anorbank.uz

Бошқарув раисининг в.в.б.:

Бош бухгалтер:



Наджимитдинов Э.Р.

У.М. Бабаев

Сана: 2022 йил ____ октябр:

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **оддий**
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **хужжатсиз**
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **1 000 (бир минг) сўм.**
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **70 000 000 (етмиш миллион) дона.**
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **70 000 000 000 (етмиш миллиард) сўм.**
6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:
 - **банкнинг акциядорлари реестрига киритилиш;**
 - **депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;**
 - **банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш ва уни эркин тасарруф этиш;**
 - **акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали банкни бошқаришда иштирок этиш;**
 - **банкнинг молия - ҳужалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;**
 - **қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;**
 - **ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;**
 - **акциядорларнинг умумий йиғилишида ўз вакили орқали иштирок этиш, ўз вакилини исталган вақтда алмаштириш ёки унда шахсан иштирок этиш;**
 - **банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол - мулкнинг бир қисмини олиш;**
 - **ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;**
 - **қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни сўғурта қилиш;**
 - **банк томонидан жойлаштирилаётган қўшимча акцияларни имтиёзли сотиб олиш;**
 - **Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва банк уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.**
7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Банкнинг овоз берувчи акциялар эгаси бўлган акциядорлари чиқарилаётган акцияларни ўзларига тегишли бўлган шу турдаги акцияларга мутаносиб равишда имтиёзли олиш ҳуқуқига эгалар.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин, ушбу чиқарилиш тўғрисидаги қарорга асосан чиқарилаётган эгасининг номи ёзилган оддий хужжатсиз акциялар Олимов Кахрамонжон Анваровичга (Olimov Khayramonjon Anvarovich) жойлаштирилади.
8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **255 000 000 000,00 (Икки юз эллик беш миллиард) сўм.**
9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **255 000 000 (Икки юз эллик беш миллион) дона оддий эгасининг номи ёзилган хужжатсиз акциялар.**
10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **Банк томонидан облигациялар чиқарилмаган.**

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули:

(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади).

Ушбу акциялар чиқарилуви ёпиқ обуна хусусий жойлаштириш йули билан банк акциядори Олимов Кахрамонжон Анварович (Olimov Kaxramonjon Anvarovich) номига жойлаштирилади.

Акциялар жойлаштирилиши уюшмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида амалга оширилади, тўғридан-тўғри фуқаролик-хукукий битим асосида тегишли шартномалар ва уларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш йули билан жойлаштирилади. Шунда ушбу акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш кунига, яъни 2022 йил 13 октябр ҳолатига, шаклланган реестрида кайд этилган акциядорларга акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини бериш йули билан.

Имтиёзли ҳуқуқни қўллагандан сўнг қолган акциялар банк акциядори Олимов Кахрамонжон Анварович (Olimov Kaxramonjon Anvarovich) номига жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштирилишни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштирилиш муддатини белгилаш тартиби).

Агар акцияларни жойлаштирилиш муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади.)

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштирилиш муддати - қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида акцияларнинг қўшимча чиқарилувини давлат рўйхатидан ўтказган кундан бошлаб бир йилдан кечиктирмай.

Акцияларни жойлаштирилишни бошлаш санаси – имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тўғрисидаги билдиришнома оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 11 (ўн биринчи) куни. Агар бу муддат ўткунга қадар банкнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, жойлаштирилишни бошлаш санаси охириги ариза келиб тушган кундан кейинги кундан бошланади. Агар жойлаштирилиш бошланиш санаси дам олиш кунига тўғри келадиган бўлса, жойлаштирилиш бошланиш санаси кейинги биринчи иш кунига ўтказилади.

Акцияларни жойлаштирилишни тугатиш санаси – охириги акцияни жойлаштирилиш санаси, лекин қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида акциялар давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб бир йилдан кечиктирмай.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-хукукий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштирилиш амалга ошириладиган бозорлар).

Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштирилиш эмитентга акцияларни жойлаштирилиш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:

тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;

ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштирилиш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охиригиси томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби.)

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни уюшмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида тўғридан-тўғри фуқаролик – ҳукукий битим асосида тегишли шартномалар тузиш ва уларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш йули билан жойлаштирилади.

Ушбу чиқарилишдаги банк акцияларни жойлаштирилишда банкка қимматли қоғозларни жойлаштирилиш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиларини (андеррайтерларни) жалб қилиш назарда тутилмайди.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳукукий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони: Марказий депозитарий ҳақида маълумот:

Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси тўғрисида маълумот:

Тўлиқ номи - Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси давлат корхонаси;

Ташкилий-ҳуқуқий шакл: Давлат унитар корхонаси;
Жойлашган жойи ва почта манзили - 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани,
Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй, телефон: (+99871) 267-37-42, факс: (+99871) 267-36-94.
Ҳуқуқларни ҳисобга олган инвестиция воситачилари ҳақида маълумот:

1. Тўлик номи – «DALAL STANDARD» масъулияти чекланган жамияти;

Ташкилий-ҳуқуқий шакл: масъулияти чекланган жамияти;

Жойлашган жойи ва почта манзили - 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани,
Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй, телефон: (+99871) 268-04-01.

2. Тўлик номи – «UNIVERSAL DEPOZIT» масъулияти чекланган жамияти;

Ташкилий-ҳуқуқий шакл: масъулияти чекланган жамияти;

Жойлашган жойи ва почта манзили - 100060, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани,
Олмачи кучаси 26-уй, телефон: (+99871) 268-28-08.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

(Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади: бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби); жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби; жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби.).

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олишга имтиёзли ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар 2022 йил 13 октябр ҳолатига шаклланган реестрида қайд этилган оддий ҳужжатсиз акцияларнинг эгалари-акциядорлар сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Қўшимча чиқарилишдаги акцияларни сотиб олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқи акциядорларга тегишли бўлган банк акциялари сонига мутаносиб равишда амалга оширилади.

Акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати 10 (Ўн) календар кунда белгиланади, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда акциядорларни оммавий ахборот воситалари орқали уларнинг ушбу чиқарилувдаги жойлаштирилаётган акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи борлигини хабардор қилиш тўғрисидаги билдиришнома эълон қилинган кундан бошлаб. Билдиришнома жойлаштирилаётган акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядорни сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг ушбу ҳуқуқини амалга ошириш муддати ва тартиби тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Имтиёзли ҳуқуқига эга бўлган акциядор ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акциялар сони ва тўлов ҳужжати, имтиёзли ҳуқуқини тўлик ёки қисман амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банка ёзма шаклдаги ариза орқали амалга ошириш мумкин. Бундай ариза банкка имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати давомида юбориш керак.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўтгунига қадар банкнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.

Имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

Имтиёзли ҳуқуқ қўлланилгандан сўнг қолган акцияларнинг сони Олимов Кахрамонжон Анварович (Olimov Kaxramonjon Anvarovich) номига жойлаштирилади.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

(акциялар баҳси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.

Агар акцияларни жойлаштиришда акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.).

Ушбу чиқарилаётган акцияларнинг бир дона акциясини жойлаштириш нархи 1 000 (бир минг) сўм, яъни номинал қийматида жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит таъшилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўлашишга келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда).)

Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шартларида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш-топириш далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун эсалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қўйидаги маълумотлар кўрсатилади:

баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш мuddати, кўрсатилган лицензияни берган орган.).

Ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади.

Акциядорлар акциялар учун тўловни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосан инвестиция воситачиси томонидан рўйхатдан ўтказган акциядор ва эмитент ўртасида тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

Акцияларни сотиб олиш пулсиз воситалар орқали кўзда тутилмаган. Акциялар бўйича тўловлар пул маблағлари билан нақд ёки нақдсиз шаклида амалга оширилади.

Банк реквизитлари: х/р 2983 0000 3000 0118 3001 «ANOR BANK» АЖ

МФО 01183

ИНН 207324986.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар 100%дан кам миқдорда жойлаштирилганда, ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб ҳисобланади.

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган тақдирда банк ушбу ҳолат тўғрисида оммавий ахборот воситаларида, акциядорларга билдиришнома юбориш, шунингдек корпоратив ахборот ягона порталида (www.openinfo.uz) ва банк веб-сайтида (www.anorbank.uz) расмий хабарнома эълон қилади.

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган тақдирда акциялар учун тўлов сифатида олинган пул маблағлари ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида акциядорларга тўлиқ қайтариб берилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Ушбу чиқарилиш тўғрисидаги маълумот қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда эълон қилинади, шу жумладан корпоратив ахборот ягона порталида (www.openinfo.uz) ва банк веб-сайтида (www.anorbank.uz).

Банкнинг қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги Карорнинг асли нусхаси ва нусхаси билан Тошкент шаҳар, Мирз-Улуғбек тумани, Сайрам 5-тор кўчаси, 4-уй ёки банкнинг расмий веб-сайтида (www.anorbank.uz) танишиш мумкин.

13. Бошқа маълумотлар - кўзда тутилмаган.

Тикилган ва ракамланган

3 варақ

Бошқару раисининг в.в.б.

Наджимитдинов Э.Р.

Бош ҳисобчи

Бабаев У.М.

